ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАРҲАМАТ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

"25" декабрь 2020 й. *№48/16-15 сонли*

Марҳамат туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари таксимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Марҳамат туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Марҳамат тумани (кейинги ўринларда туман деб аталади) маҳаллий бюджети даромадлари 36 млрд. 588 млн. 420 минг сўм, харажатлари 128 млрд. 902 млн. 809 минг сўм миқдорида прогноз қилинганлиги, туман маҳаллий бюджетига вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 92 млрд. 314 млн. 389 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) Солиқларнинг қуйидаги турлари туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр

станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

б) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонунунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун унлдириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вактинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

– қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

– давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

– мобил алоқа хизматлари ва алкоголь махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

Шу билан бирга, вилоятнинг вилоят бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи) ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек

норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 100 фоиз миқдордаги ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Хукуматимиз томонидан қабул қилинган карорлар ижроси борасида вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-6099-оснли фармони ижроси борасида туман "Жисмоний тарбия ва спорт" бўлимига юридик мақом берилсин ҳамда бўлимнинг сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар туман маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сонли қарорига асосан туман халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари ташкил этилсин ҳамда уларни сақлаш харажатлари белгиланган тартибда туман маҳаллий бюджетидан молиялаштирилсин.

4. 2021 йилги туманнинг ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Марҳамат тумани харажатларининг 2021 йил учун асосий кўрсаткичларининг соҳалар кесимидаги чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Қонуннинг 12-моддаси тўртинчи қисмида халқ депутатлари туман Кенгашларига берилган ваколатга кўра, маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш оркали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

- айланмадан олинадиган солиқ ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар тўлиқлигича туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ўтказилаётганлиги;

- мобил алока хизматлари ва алкоголь махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ туман

маҳаллий бюджетларига ўтказилаётганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда туман маҳаллий бюджети ўртасида 75/25 нисбатда тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2021 йил учун туман ҳокимлиги захира жамғармаси ҳажми **1 млрд. 276 млн. 265 минг сўм** миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармалари маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш максадида қабул қилинади.

Туман ҳокимлиги туман бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунига

кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишли ҳокимликларнинг расмий веб сайтларига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

14. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Мамажоновга:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

15. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилоти, шаҳар ва туманларидаги ўрганиш бўйича тузилган йўл хариталари ҳамда йиғилиш баённлари билан маҳаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Туман ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

17. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим соликлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат килиш халк депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Б.Юлдашев**

Халқ депутатлари
Мархамат туман Кенгашининг
2020 йил «28» 12 даги
48/6-15-сонли қарорига
1-илова

Мархамат туманининг 2021 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз
1	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	6,1
2	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	2,7
3	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	7,1

Халқ депутатлари
Марҳамат тумани Кенгашининг
2020 йил «28» 12 даги
48/6-15-сонли қарорига2-илова

Марҳамат тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**36 588 420,0**
1	Корхоналар айланмасидан солиқ	3 674 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7 308 750
3	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	903 000
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 141 000
5	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 384 000
6	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	841 000
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	94 000
8	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	30 000
9	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари. шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**14 212 670,0**
	шундан: алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	9 228 980
	мобиль алоқа хизмати	4 983 690
	Юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	**92 314 389**
	Хамма даромадлар	**128 902 809,0**

Марҳамат туман молия бўлими бошлиғи : **Х.Эркабоев**

Халқ депутатлари
Мархамат туман Кенгашининг
2020 йил «28» 12 даги
481/6-15 -сонли қарорига
3-илова

2021 йил учун Мархамат тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

(минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар	миқдори
X	**Харажатлар миқдори, Жами**	**128 902 809,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**128 902 809,0**
1	**Халқ таълими бўлими**	**8 373 646,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 373 646,0
2	**Мактабгача таълим бўлими**	**7 676 686,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 676 686,0
3	**Тиббиёт бирлашмаси**	**50 442 558,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	50 442 558,0
4	**Маданият бўлими**	**1 447 697,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 447 697,0
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**3 842 765,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 842 765,0
6	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**729 407,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	729 407,0
7	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**752 615,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	752 615,0
8	**Ирригация бўлими**	**1 351 301,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 351 301,0
9	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**444 270,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	444 270,0
10	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**495 788,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	495 788,0
11	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**6 877 516,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 877 516,0
12	**Молия бўлими**	**574 169,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	574 169,0

	иш хаки, пенсия, стипендия, нафакалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	
13	**Пенсия жамғармаси худудий бўлими**	**650 517,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	650 517,0
14	**Ҳокимият**	**45 243 874,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	45 243 874,0
15	**Давлат бошқарув органлари**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
16	**Ижтимоий нафакалар**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
17	**Бошка ташкилотлар**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	

Мархамат туман молия бўлими бошлиғи : **Х.Эркабоев**

Халқ депутатлари
Мархамат тумани Кенгашининг
2020 йил «28» 12 даги
48/16-5-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туман номи	Фойда солиғи	Айланма дан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ миқдори	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Йиғим-лар*	Давлат божлари*	Жарима-лар*	Давлат унитар корхоналар ва дивиденд тушумлари	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари
1	Мархамат тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100

*Давлат божлари, жарималар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тегишли бюджетларга ажратма киритилиши мумкин

Халқ депутатлари
Мархамат туман Кенгашининг
2020 йил «26» 12 даги
48/6-15-сонли қарорига
5-илова

Туманлар маҳаллий бюджетининг 2021 йил даромадлари ва харажатларининг прогнозлари

мини сўмда

№	Ҳудуд номи	Даромадлар*	Харажатлар
X	**ЖАМИ**	**36 588 420,0**	**128 902 809,0**
1	Мархамат тумани	36 588 420.0	128 902 809.0

Халқ депутатлари
Мархамат туман Кенгашининг
2020 йил «28» 12 даги
46/6-15-сонли қарорига
6-илова

Туман маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

№	Шахар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
X	**ЖАМИ**	**92 314 389,0**
1	Мархамат тумани	92 314 389,0